



АДОЛАТ

Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий газета

Газета 1995 йил
22 февралдан чиқа бошлаган
2003 йил
14 март
10 (401)
ГАЗЕТА ҲАФТАНИНГ
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда эркин нархда

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовга 13 март куни Оксфордда Мексика Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Рауль Фортунато Кардосо Майкот Ишонч ёрлиғи топширилди.

Ислон Каримов элчини шарафли ва масъулиятли лавозимга тайинлашни билан қўтлар экан, Ўзбекистон билан Мексика ўртасида қўллаб-қувватлаш, хусусан, халқаро ташкилотлар доирасида сиёсий ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Мексиканинг ЭКОСОС (БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши) ҳамда Жаҳон метеорология ташкилоти Ижроия кенгашига аъзо бўлишни қўллаб-қувватлаган. Мексика томони эса Европада тикланиш ва тараққиёт банкнинг йиллик мажлисини Тошкентда ўтказишга хайрихоҳлик билдирган.

Мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2000 йилдан бундан ҳар йили бир неча ўзбекистонлик талаба Мексика ҳукумати грантлари асосида ушбу мамлакатнинг олий ўқув юртиларига ўқишга жўнатилмоқда.

Президентнинг Мексика элчиси билан суҳбатда савдо, сармоя, сайёҳлик, кишлоқ ҳўжалиги ва тўқимачилик саноати йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Шу куни Президент Ислон Каримов Хорватия Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Амир Мухаремидан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Учрашувда Ўзбекистон ҳам, Хорватия ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлиги таъкидланди. Европа марказида жойлашган Хорватия 2004 йили Европа Иттифоқи ва НАТОга қўшилиди. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Хорватия бир-бири учун ўз минтақасидаги дарвоза вазифасини ўташи мумкин.

Амир Мухареми самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон-Хорватия муносабатларини ривожлантириш йўлида куч-гайратини амалга оширишни таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Словения Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Франци Демшар Ишонч ёрлиғи топширилди.

Словения ҳам 2004 йили Европа Иттифоқи ва НАТО аъзолигига қабул қилинган. Президент Ислон Каримов элчи билан суҳбатда бу аъзога Ўзбекистон-Словения алоқалари ва умуман мамлакатимизнинг Европа давлатлари билан ҳамкорлигини ривожлантириш учун янги имкониятлар очилиши таъкидланди.

Ф.Демшар ўш мамлакатнинг ҳукумати Ўзбекистонга нуфузли делегация жўнатиб, ҳамкорликни кенгайтириш борасида музокара ўтказиш ва эришилган қилишувлар бўйича ҳўжатлар имзолашни режалаштираётганини маълум қилди.

Президент Ислон Каримов Словения элчисига бошланган хайрли ишларида муваффақият тилади.

13 март куни Президент Ислон Каримов Норвегия Кироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ойвинд Нордслеттендан ҳам Ишонч ёрлиғини қабул қилиб олди.

Сўнгги пайтда Норвегия томони Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборни қўйиб бормоқда. Мамлакатларимизда эса биргаликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар аниқланди. Шу жиҳатдан Норвегиянинг «Квернеланд» муҳандислик ва қурилиш ғруҳи, «Никомед Дак» фармацевтика фирмаси, «Гронер Карри энд Браун» нефт-кием саноати корхонаси Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйишга қизиқиш билдирётгани алоҳида эътиборга молик.

Президент Ислон Каримов мамлакатимиздаги нефт-газ конларини ўзлаштиришда нефт экспорти бўйича дунёда учинчи ўринда турувчи Норвегия билан ҳамкорлик қатта самара беришини таъкидлади.

Элчи Ўзбекистон-Норвегия муносабатларини янада ривожлантириш йўлида хизмат қилишни ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Шу куни Ўзбекистон Президентига Жанубий Африка Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Собизизана Мнгкикани Ишонч ёрлиғи топширилди.

Икки томонлама ҳамкорлик Ўзбекистон ва ЖАР манфаатларига мос тарзда раванк топиб бораётди. 1997 йилнинг сентябрида Тошкентда «Марказий Осиё - ядро қуролидан холи зона» мавзюда ўтказилган халқаро конференцияда ЖАР вакили қатнашиб, бу ташаббусни кенг қўллаб-қувватлаган. Айни пайтда икки мамлакатда ҳам ўзаро сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини яратишга қизиқиш катта.

Суҳбат чоғида иқтисодий ҳамкорлик ҳам эътибор қаратилди. АҚШнинг «Ньюмонт Майнинг» компанияси йўналиши бўйича Ўзбекистонга ЖАРдан тоғ-кон саноати усуналари келтирилган. Мазкур компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятини амалга ошираётган мутахассислар орасида Жанубий Африка Республикаси фюктури ҳам бор. Ўзбекистонда ЖАРнинг «Голд Филдс» олтин қазиб олиш компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Расмий маълумотларга қараганда, яқинда ЖАР минерал ва энергетика захиралари вазири делегацияси Ўзбекистонга келиб, тоғ-кон саноати соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилади.

2003 йил — Обод маҳалла йили



«АХИЛЛИК УЙИ»НИ ЯШНАТАЁТГАНЛАР

Баҳор нафосати барқ урган маҳалла кўчаларини айланиб чиқар экан Абдуҳалил ака Исмоилов анча хотиржам тортиди. Йўл бўйлари тозаланиб, дов-дарактлар буталанган, ариқлар тартибга келтирилган эди. Баъзи хонадонларнинг ёнига туташган очик майдонлар чопиқдан чиқарилиб, экишга ҳозирлаб қўйилган. Маҳалладошларининг аҳиллик билан иш юритиб, ободонлаштириш-қўлампозлаштиришга барвақт киришиб кетишгани ўз натижасини кўрсатиб турарди. Кўпчиликнинг бошини қовуштириб, маслаҳатлашиб олаётган жойлари — маҳалла чойхонаси ҳам кейинги кунларда катта-ю кичик билан гавжумлашиб қолди. Маҳалла идораси ҳам унинг бир бўлагида жойлашган эмасми, аҳоли бўш вақт тоғди дегунча бу ерга ошмакди. Бир кўлидан келадиган қандайдир иши билан, бошқаси маслаҳат билан эзгу ишларга қўммақлашиш келади. Шу тўғйили ҳам «Аҳиллик уйи»га айланган маҳалла тобора яшнаб, обод бўлиб бормоқда.

Ўзига 1200 оила, 5 мингга яқин аҳолини биравлаштирган «Гуруч-арик» маҳалласи Тошкент шаҳрининг Со-бир Раҳимов туманидаги тилга тушган, эътиборли маҳаллаларнинг бири. 21 йилдирки, Абдуҳалил ака Исмоилов бу маҳаллага бош-қош. У маҳалла юмушларини кўпчилик билан фикрлашиб, маслаҳатлашиб олиб боради. Тўй ва маъракаларнинг маромида, ортиқча харажатларсиз ва исрофгарчиликларсиз ўтишига интилади. Кейинги пайтларда бу маҳалладаги тўй-ҳашамларда 25-30 килограмм гуруч дамланиб, эл-юртга ош беришмоқда. Чақирки, чорлар сингари ортиқча тадбирлар аллақачон барҳам топган. Шу йилнинг ўзида маҳалладаги оилаларнинг сони 5 тага кўпайди. Ҳаётга мустақиллик

равишда янги қадам қўйган ёш келин-куёвлар «Обод маҳалла йили»нинг аҳил оилаларига айланишди.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳалил ака Исмоилов шу кеча-кундузда халқимизнинг Умумхалқ байрами — Наврўзни маҳаллада ўзига хос тарзда нишонлаш ташвишлари билан юрибди. Эртага бўлаётган Умумхалқ хайрия хашарини уюшқоқлик билан ўтказиш чораларини кўрмоқда. Бу ишларга эса маҳалланинг обрў-эътиборли отахон-онахонлари, саховатли кишилари бирдек бош қўйишарди. Айниқса, хомийлар Аҳроржон, Олимжон сингари мурувватпарварларнинг қўмағи билан маҳалланинг фойзига фойз қўшилмоқда. Ўз навбатида маҳалла фаоллари — Тошмамат ака Бойматов, Қудрат ота Исмоилов, Алишер Мира-

лиев, маҳалла хотин-қизлар кенгаши раиси Лутфия опа Аъзамова, тарбиячи Санобархон Бобоева, участка милиция нозир Уткиржон Мухторов, маҳалла посбонлари сардори Миродил Қосимов сингари эл ардоғидаги кишиларнинг хизматлари боис маҳалла тобора гуркираб яшнаб бормоқда. Бу ерда истикомат қилаётган ўткир хожи Хўжаев, Йўлдош хожи Хасанов, Комил хожи Маҳкамолар хонадонининг ибрати эса кўпчиликка намуна бўлгулик. «Обод маҳалла йили»да — «Гуруч-арик» янада чирой очади. Бу ердаги Абдурахмонов ва Соғбон кўчаларида иккита янги гузар қурилмоқда. Икка-ла иншоотнинг ҳам йил охирига қадар ишга туширилиши мўлжалланапти. Саховатли, қўли очик кишилар Ҳиматининг шарофати бу.

Суратда: маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуҳалил хожи Исмоилов (ўнгдан чапга) маҳалланинг эъзозли-эътиборли отахонлари Қудрат ота Исмоилов ва Тошмамат хожи Бойматов билан маҳаллалари каби ўзи ҳам гуллаб-яшнаб бораётган юртимизнинг равақида дуо айлamoқда.

Каримжон РИХСИЕВ олган сурат.
• «Обод маҳалла йили» мавзусига бағишланган бошқа материаллар билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.

15 март — Умумхалқ хайрия хашари

ҲАММА ФАОЛ ҚАТНАШАДИ

Ҳар йили баҳор келиши биланоқ Учқўрган туманида ободонлаштириш ва қўлампозлаштириш ишлари бошланиб кетади. Айниқса, «Обод маҳалла йили»да Наврўз байрамига тараддуд ўзгача.

— Аҳоли яшаш жойларини ободонлаштириш ва қўлампоз ишлари ташкил этиш, Наврўз Умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш мақсадида амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олганимиз, — деди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Мирзааҳмад Сатторов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Саккизта кишлоқ фуқаролар йиғинлари ўз ҳудудларидаги яқка-ёғиз кишиларнинг уйлари тазмирлаб беришмоқдаси. «Жавоҳир» хусусий фирмаси раҳбари Абдуваҳоб Сатторов байрам кунини ногиронларга аравачалар соғға қилмоқчи. Катта-кичик 92 та корхона ўтган шанба-ликда туман «Ғаллабанк»иди «Маҳалла» жамғармаси ҳисоб рақамига 553 минг сўм маблағ туширди. Бу эди 15 март кунини бўлиб ўтмагандай байрам тадбирларига, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ва болалар спортини ривож-

лантиришга сарфлаймиз. М. Сатторовнинг таъкидлашича, Наврўз арафасида «Энг обод маҳалла» кўрик-танлови ўтказилади. Ҳозир бунга қизгин тайёргарлик бормоқда. «Саноат», «Норин», «Кўғай», «Қозоқовул», «Чек» ва «Деҳқонobod» маҳаллаларида баҳорги ишлар намунали ташкил этилди. 61 та маҳаллада бажариладиган ишлар режа асосида олиб боришмоқда. Шу кунгача туманда 25 минг 540 туп манзарали, 17 минг 900 туп мевали даракт қўчатлари ўтказилди. Йўл бўйлари-га гуллар экилди. Еритиш чироқлари тазмирланди. 114 километр масофадаги арик-зовурлар тозаланди. Қабристонлар ободонлаштирилди. Дарактларга шакл бериб, оқлаш давом этмоқда. 15 март кунини бўлиб ўтмагандай байрам тадбирларига, кам таъминланган оилаларга, ногиронларга ва болалар спортини ривож-

Саховат КЎНГИЛАРНИ ШОД АЙЛАБ

«Наврўз» жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими фаоллари Яқкабў туманидаги «Яқкабў» ширкат хўжалигидан бир тонадан кўпроқ сархил олма келтиришди.

Сархил олмалар вилоят марказидаги шифохона, ҳарбий госпиталда даволанаётган беморлар, мактаб-интернат ўқувчилари, Қарши ва Қашқадарё «Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, Яқкабўдаги «Саховат» уйида истикомат қилаётган қарияларга тарқатилди.

— Хўжалигимиз аъзолари ўзлари етиштирган сархил мевалардан вилоятимиздаги шифохоналарга «Меҳрибонлик уйлари»га соғға тарқатилди, деди хўжалик раиси Шўҳрат-жон Бекназаров «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Айниқса, туманимиздаги Саховат уйини ҳар бир байрамда йўқлаб турамиз. Сархил мевалар билан биргаликда хўжалигимиз далаларида етиштирилётган полив ва сабзавот маҳсулотларини ҳам келтириб ўқик дилларни шод этамиз.

Дарҳақиқат, «Яқкабў» ширкат хўжалиги борбонларининг саховатидан кўпчилик мамнун. Шундай хайрли ишлар қадим қадриятларимизга умрбоқийлик бахш этса ажабмас.

Партия ахбороти БЎЛАЖАК САЙЛОВЛАР ТАРАДДУДИ

Маълумки, бўлгуси парламент савлояларига ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ва етук номзодларни танлаш жараёни бошланди. Ўзбекистон «Адолат» с-сиал-демократия партияси Андижон вилоят Кенгаши ўзининг навбатдаги пленумида ана шу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратди.

Кенгашининг биринчи котиби Ҳамиджон Нўмонов анжумани очаркан, бўлгуси сайловларнинг ўзига хос хусусиятини ҳақида гапирди. Сўнгра вилоят партия Кенгашининг котиби Қомилжон Аҳмаджоновнинг айна пайтда партия олдига турган долзарб вазифаларига доир, шунингдек, партия Кенгашининг иккинчи котиби К. Турдалиевнинг «Халқ фаровонлигини оширишда ташқи иқтисодий алоқаларнинг роли» мавзюларидаги маърузалари тингланди.

Биз пленумдан сўнг туман партия Кенгашлари котиблари билан суҳбатлашдик. — «Адолат» социал-демократик партиясининг туманимиздаги аъзолари сони юздан ортиб кетди, — деди партиянинг Балиқчи тумани Кенгаши биринчи котиби Нейматжон Шералиев. — Энг йирки бошлангич ташкилотимиз «Балиқчи» нотиқима матовар фабрикаси» ҳамда туман марказий шифохонасидир. Фаолларимиз билан ўтказилган йиғинларимизда улар парламент ислохотларига мамлакатимизда демократик тараққиётнинг янги босқичи сифатида баҳо бермоқдалар. Биз халқ орасида обрўга эга бўлган, дунёқараш кенг, билимли, фидойи кишиларни бўлажак сайловларга номзод қилишни мўлжаллаб қўйдик.

— Бизнинг туманимизда партиясининг асосан халқ маорифи бўлими ходимлари, жойлардаги мактаб ва лицейларнинг ўқитувчилари аъзо бўлсалар, — деди Шаҳрихон тумани партия Кенгашининг котиби Ҳозорбек Ғаниев. — Очиги бошқа соҳалар ходимлари орасига астойдил кириб бора олганимизга йўқ. Энди шу ҳатоимизни ўғлаб, аъзоларимиз сафини кенгайтириш устида иш олиб бораёмиз.

Сайловларга номзодлар масаласига келсак, икки палатали конун чиқарувчи органнинг қўйи палатасида бизнинг вакилларимиз ҳам бўлади. Шу сабабли ҳам ўз эҳди, обрўси билан депутатликка энг муносиб инсонлар номзодини кўрсатамиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз.

Тўлқин СИДДИКОВ.

МАСЛАҚДОШЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

«Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши партиявий ишларни тақомиллаштириб ижтимоий-сиёсий доирадаги нуфузини оширмоқда. Бугун вилоятда партияга хайрихоҳлар сони тобора кўпайиб бораётганини ҳам шу амалий ишларнинг самарасидир.

Яқинда партиянинг вилоят Кенгашида янги номзодларни фиска аъзолигига қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Унда ишчи, зиёли ва талабалардан иборат 31 нафар номзодга партия билетлари тантанали вазиятда топширилди. Шу муносабат билан йиғилганлар хузурида «Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгашининг биринчи котиби Жуманид Алибеков, партия Кенгаши ташкилий бўлими мудир Абдурашул Ҳакимов сўзга чиқиб, икки палатали парламентга ўтиш арафасида партиянинг мақсад ва вазифалари, бўлажак сайловларга муносиб номзодларни ҳозирданок танлаш, тарбиялаш ҳақида мулоҳаза юритдилар.

Йиғилишда партиянинг Сиеб туман Фарход қўргони бошлангич ташкилоти котиби Тўлқин Фоййбоз, ташкилотнинг янги аъзоси Маъруф Очиллов ва бошқалар сиёсий рақобат майдонига фаоллигини янада ошириш, партиянинг обрў-эътиборини мустаҳкамлаш ҳақида гапирдилар.

Зохир ТўРАКУЛОВ, «Адолат»нинг ўз муҳбири.

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг бугунги ҳаётида тугган ўрни катта. Шундай экан бундан фахрланмай бўлмайди. Аҳил жамоамиз билан Сурхондарё вилоятининг Сарисий туманидаги Шарғун шаҳрида иш юритиб, ҳукуматимизнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тўғрисидаги қарорларини изчил амалга ошириб келаямиз.

Банкимиз 174 та кичик ва ўрта бизнес субъектларига амалий хизмат кўрсатади. Шуниси характерлики, ўтган ҳўжалик йилида кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредитлар миқдори 88,2 фоизни ташкил қилди. Кредит қўйилмаларининг 70,4 фоизи ушбу соҳаларни ривожлантиришга ажратилган бўлиб, ўрта муддатли кредитга тўғри келади.

Тадбиркорга дастлабки сармоя ҳаводек зарур. Шун-

«Зиёдулло ака», «Шоҳрам», «Шоҳараён» деҳқон хўжаликлари ҳамда «Зардўзлик» фирмалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб олишди. Қумқўргон туманидаги «Автомобилчи»

«МИЖОЗЛАР РАҲМАТ ДЕСИН!»

га монанд ариза билан мурожаат қилган 30 нафар тадбиркорга биргина «Бизнес-фонд»нинг ҳисобидан 17 миллион сўм кредит олиб беришга амалий ёрдам кўрсатди. Шу ҳисобдан туманда 198 та янги ишчи ўринлари очилди. Туманда фаолият юргизаётган «Сарвар», «Корун», «Вермес», «Зухас-аср», «Алулло-бобо»,

миллион 100 минг сўмлик имтиёзли кредит ҳисобидан қишлоқда тикувчилик цехини очиб, хотин-қизларни иш билан таъминлади.

Ўтган йили туман ҳокимлигининг ташаббуси билан «Йилнинг энг яхши тадбиркори» кўрик-танлови ўтказилган эди. Унда миқозимиз «Восита» кичик корхонаси биринчи ўрин-

Банк ҳаётидан

ни эгаллади. Кекса тадбиркор Н. Тўрақулов Газарак адирларида бог яратиб маъмурчиликни йўлга қўйди.

«Шоим», «Моҳларойим» кичик корхоналарининг ишлари ҳам шундай қувончли бўлмоқда. Ютуқларимизнинг намунали томони шундаки, миқозларимиз банкдан олган кредитларини ўз вақтида қайтармоқда. Зеро, бугунги маъсулиятимиз эртамизнинг равақида замин яратди.

Жамоамизда 25 нафар банк

ҳодими меҳнат қилади. Дилшод Муродуллоев, Азамат Ҳамроев, Муҳаммадали Ашуров, Абдумўмин Ҳабиев сингари мутахассисларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар миқозларимизнинг ғамхўри. Ишдаги яқдиллигимиз тўғйили фойда-миз 2002 йилда 2001 йилдагига қараганда 2,5 баробарга кўпайди. Бундан кейин ҳам миқозларга ҳолис хизмат кўрсатиш орқали уларнинг раҳматига сазовор бўлиб, ютуқларимизни мустаҳкамлаб бораверамиз.

Баҳриддин МИРЗАЕВ, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Шарғун филиали бошқарувчиси.

2003 йил — Обод маҳалла йили

МАҲАЛЛА ВА ЁШЛАР ТАРБИЯСИ

Келажақ авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслини тарбиялаб етиштириш — бизнинг миллий хусусиятимиздир.

Ислом КАРИМОВ.

Маҳалла ўз моҳияти, фаолияти мазмуни ва шакллари билан шарқона фикрлаш, иш қилиш тарзи каби халқимизнинг ўзига хос фазилатларини акс эттиради. Маҳалла аҳолини аҳил-тотув яшашга, сидқидилдан меҳнат қилишга, касб ўрганишга, шулар орқали ҳаёт кечиришни энгиллаштиришга чакраданган ноёб тузилма, аҳолига энг яқин, қўлай ва маъқул бўлган тарбия ўчоғидир.

Шулар деганида ҳукмрон тўзум ва унинг мафкуриси маҳаллаларни маъмурий ҳудудий бирлик сифатида расман тан олмади. Бироқ аҳолининг чуқур норозилигига сабабчи бўлмаслик учун маҳаллаларни таъкиллаш олмади, уни жамиятининг бошқариш тизимига қиритмади.

Фақат мустақиллик туфайлигина маҳалла бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Маҳаллалар ўз ҳуқуқий мақомига эга бўлди.

Президентимиз томонидан 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши маҳалланинг боқийлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, келажақ наслларнинг қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканлигини яққол мисолидир.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда маҳаллаларнинг ёшлар тарбиясига оид қатор вазифалари белгиланган бўлиши. Унга мувофиқ маҳалла:

— тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар беради;

— кам таъминланган, оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва кўп болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланиши таъминлайди;

— тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилади;

— ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишида, воёта етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қўмақлашади;

— илгари судланган ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бошқа шахсларга тарбиявий таъсир ўтказиш учун фахрийлардан, хотин-қизлар ва ёшлар, маданият ва дин вакилларидаги иборат комиссиялар тузади;

— воёта етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик ишини ташкил этади, ота-онаси йўқ, қаровсиз қолган болаларни тегишли давлат муассасаларига қўйлаштиришга қўмақлашади ва ҳоказо.

Қисқаси маҳаллага эътибор катта. Бироқ, улар ўз олдларига қўйилган вазифаларни қай даражада адо этмоқдалар? Табиийки кўпчилик маҳаллаларда бу саволга ижобий жавоб топиш мумкин. Бундай маҳаллалар республикамизда бўлгани каби Самарқанд вилоятида ҳам кўпайиб бормоқда. Улар қаторига Самарқанд шаҳридаги Амир Темур, Мир Саид Барақа, Навбахор, Каттақўрғон туманидаги Катта Арабхона, Пахтачи туманидаги Мисит, Нарпай туманидаги Ислом шоир номли, Иштихон туманидаги Оқунбоёв ва номли, Покирик туманидаги Гўзал, Оқдара туманидаги Коратери, Жомбой туманидаги Деҳқонобод, Ургут туманидаги Ғўс, Самарқанд туманидаги Боғибаланд, Тайлоқ туманидаги Боғизогон,

Булунғур туманидаги Килдон маҳаллаларини киритиш мумкин.

Темирйўл туманидаги «Маърифат» маҳалласида ёшлар Нина Бекматовани ҳамхўр, айна чоғда қаттиққўл мураббий сифатида ҳурмат қилишади. Маҳалла посбони бўлган бу аёл ўсири-ёшлар муаммоси билан шуғулланишга вақт топа олади. Уларни жиноят кўчасига киритиб қўлидан сақлашга интилади.

Маҳаллаларнинг ёшларни мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги ролини ошириш, улар онгига миллий мафқуранинг шакллантириш, жамиятимизга ёт иллатлар таъсирига берилиб кетишларга йўл қўймайлик муҳим ишдир. Негаки мафкура соҳасида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Ҳақиқат бекдорлик, ҳукмрон бўлган жойда мафқуравий таҳдид кўчада. Аҳоли кенг қатламлари, хусусан ёшларнинг онгини эгаллашга уринишлар пайдо бўлади. Мамлакатимизда 1997-1999 йилларда диний экстремизм ва ақидадарастлик ҳолатларини тарбия қилувчи оқимларнинг фаоллашиб қолгани, ваҳобийлик, «Хизб-ут-Тахрир» каби зарарли диний оқимларнинг юртимиздаги ғўр ёшларни йўлдан оздириб, ижтимоий-сиёсий бекдорлиқни келтириб чиқаришга уринганлиги фикримизга яққол далил бўла олади. Таниқли педагог А. Макаренко шундай деган эди: «Сиз фақат бола билан гаплашганда, унга бирон нарсга ўртабтандан тарбиялайман, деб ўйламанг. Сиз уни ҳар қандайнингизда, ҳатто уйда йўқлигинизда ҳам тарбиялаб борасиз. Сиз бирон бола билан ёки бирон тўғрисида нималарни гаплашасиз, нимага хурсанд бўлиб, нималардан қайғурсиз, қай тахлитда қўласиз, қай ҳолатда газета ўқисиз — шуларнинг ҳаммаси бола учун жуда муҳим. Сиз оҳангнингиз овозига ўзгариб қолганини ҳам бола сезади, фикр йўналишидаги барча бурилишларни киши билмас тарзда у фаҳмлаб олади, сиз буни пайқамасиз. Башарти сиз уйда қўпол ёки мактанчоқ бўлиб, ёхуд ичкиликбозлик қилиб, унинг устига онани ҳақорат қилсангиз тарбия тўғрисида ўйлаб ўтирмай қўя қолинг, чунки сиз уни амалда тарбияламайсиз ёки ёмон тарбияласиз, ҳеч қандай яхши насихатларингиз ва тарбия усулингиз энди сизга ёрдам бермайди».

Шу сабабли маҳалланинг ёшлар тарбияси соҳасидаги вазифалари хусусида сўз кетганда Президентимиз таъбири билан айтганда «оиланинг маънавий олами, ундан ҳабардор бўлиш, уни англаш, руҳий дунёга қўполлик билан аралашмасдан, унинг ижобий асосда шаклланишига нозиклик билан таъсир ўтказишда, ўйлашгани, маҳалладек идорага тенг келадиган бошқа бирон бир восита йўқ».

Демак аввало оила, сўнг маҳалла — тарбия ўчоғи. Маҳалладаги ҳар бир ўсири бизнинг, сизнинг фарзандимиз. Уларнинг келажақда қандай инсон бўлиб воёта етишишлари биргаликдаги сўй-ҳаракатларимизга боғлиқ. Ёшлар жамият ишончи, истиқбол экан шу ишончнинг рўёбга чиқаришга камарбаста бўлайлик.

Али ЗУЛФИҚОРОВ,
Алишер Навоий номидаги СамДУ
доценти,
хуқуқшунослик фанлари номзоди,
Сирожиiddин ҚУВВАТОВ,
Алишер Навоий номидаги СамДУ
ассистенти.



Корақалпоғистон Республикасининг Амударё туманида маҳаллаларнинг фаолитини оширишга, уларнинг аҳоли ўртасида, аиникса, воёта етмаган ёшлар ўртасида содир этилаётган жиноятларга барҳам беришдаги таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Холмурод Бахронов туман ташкилотлари билан ҳамкорликда бу борада фаол иш олиб бораётти.

Суратда: туман прокурори Холмурод Бахронов туман халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Аширбой Қўшаев ва туман ҳокимлиги воёта етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияси масъул котиби Назира Унгарова, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими бошлиғи Баҳодир Болтабоев билан биргаликда «Обод маҳалла йили»да ёшлар ўртасида қилинаётган ишларни таҳлил этмоқда.

КАМАРБАСТА БЎЛАЙЛИК

Элга муносиб фарзанд бўлиш бугунги ёшларнинг энг улуғ муқддасига айланган. Уларнинг яхши ўқишлари, ишлашлари, камол топишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилаётган ҳозирги пайтда ҳаётдан муносиб ўрин эгаллашга астойдил интилаётганликлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайдди.

Ёшлар ўзларининг нималарга қодирлигини ҳар томонлама амалда кўрсатиб, ўзларига бўлган ишончнинг оқшига астойдил ҳаракат қилишмоқда.

Шуни улар эканман, беҳтиер тенгдошларимизнинг илму фондаги, спортдаги, ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги муваффақиятларини кўриб, ўз-ўзидан бўлмаганлигини ҳис этаман. Ахир ҳар ким ҳаётга илк қадамни ўзи ўсган оила, қўлаверса, уша оила жойлашган маҳалладан олади. Шунинг учун ҳам оиланинг муқддаслиги, маҳалланинг эса ҳокимияти ичидagi қичқ ҳокимият эканлиги бор гап. Демакки, оила билан бирга ёшлар қамолотига маҳалла ҳам масъул. Ўзларининг элга танитилган ўқитилган, қизлари билан ном таратган, шўхрат ёйган маҳаллалар билан ҳар қанча фарқланса арзийди. Уларнинг тажрибалари, ёшлар қамолоти йўлидаги қизматларини қанча оммалаштирсак баринири оз. Истиқом: «Обод маҳалла йили»да маҳаллаларнинг бўр эътибори янада ошаётган бир пайтда биз ёшлар ҳам маҳалла юмушларига камарбаста бўлайлик. Ўз маҳалламизнинг ҳаётидаги фаол иштирокимиз билан қароғон этайлик.

Гулуҳусро АҲМАДАЛИЕВА,
Тошкент юридик коллежи
2-курс талабаси.

«Отанг — маҳалла, онанг — маҳалла» деган нақл ҳаётини ҳақиқат эканлиги аллақачон ўз исботини топган. Мустақилликка эришилган, унинг аввалги мавқеини яна тиклашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан демократик жамият пойдеворини барпо этиш жараёнида қучли давлатдан қучли фуқаролик жамияти сари дадил қадам ташланаётганда бу ўзини-ўзи бошқариш органлари зиммасига катта масъулиятлар юклямоқда.

КАТТА МАСЪУЛИЯТ ЮКЛЯМОҚДА

«Обод маҳалла йили»да маҳалламизда ҳам ўзаро ҳам-жихатлик, тотувлик, ягона мақсад йўлида яқдил бирлашиш тамойилларини таркиб топтириш борасида кенг қам-ровли сўй-ҳаракатлар амал-га ошириллаётти. Бугун ма-ҳалладошларимизнинг аксари-ятига назар солар эканман, улар қалбида ўзгаларга, ўзи истиқомат қилаётган маскан-га ёрдам бериш истаги то-бора кучаяётган зармондош-ларимиз сафи кенгаётганли-гини кўриб менда бир олам севиноч, фахрланиш туйғуси жўш урмоқда. Бу эса ўз-ўзи-дан ижтимоий-иқтисодий ис-лохотларини изчил амалга ошириш, одамлар ўртасида меҳр-оқибатни қучайтиришга муҳим омил бўлмоқда.

Маҳалла ободлиги фарзан-даида ўтадиган турли тадбир-ларда қатнашиб тураман. Бу-гун кўплар қатори ёшлар, ай-никса, воёта етмаганлар тар-бияси борасида мени ҳам ўйлаттираётган мулоҳазалар талайгина. Сир эмаски, ўғил-қизларимиз орасида турли хил қўринишдаги қонунбу-зишлар, ота-оналарининг таъзики билан оилавий ша-роитни рўқач қилиб тижо-

ратта жалб этилаётганлар ҳам йўқ эмас. Биз жамоатчи-лик, хусусан, қишлоғимизда-ги 15-мактаб жамоаси билан келишган ҳолда бу борадаги амалий ҳамкорлигимизни қу-чайтиришга интилоқдамиз.

Ёшларимизнинг келажаги ватан келажаги билан чам-барчас боғлиқ. Бу борадаги кечиктиришнинг ўрнини ҳеч на-рса билан белгилаб бўлмай-ди. Бу мисолни оилам оқа-ли кўрсатиб бермоқчиман. Яратганга шўкроналар бўлсинки, 4 нафар фарзанд, 13 набаиранинг ҳузурини кўриб яшамокдаман. Улар-нинг бири раҳбарлик лавози-мида бўлса, кейингилари ўқитувчи, тарбиячи, тиббиёт хамшираси сифатида эл-юрт қорига доимо камарбаста бўлишмоқда.

Маҳалла ободлиги фарзан-даримизни ҳам қомил инсон-лар этиб тарбиялашимизга боғлиқ. Шундай экан фарзан-даримизни келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг раънақи йўлида хизмат қилишнинг до-имо ҳис этиб ашайлик.

Жўрабой ДАРМОНОВ,
Наманган туманидаги
Ўлмас маҳалла фуқаролар
йигинида яшовчи меҳнат
фахрийси.

ЮРТИМИЗНИНГ БАҲОРИДАН ГЎЗАЛ БАҲОР ҚАЙДА БОР

Нуронийлар дуоси-ла тонгларим уйғонади, Хуш ният-ла тонгларим кунларга боғланади. Барокат бериб қуёш уфққа чоғланади, Тун, кун, тонгу шоми омадга жо маҳаллам, Ёт кўзлардан асрасин сени Худо, маҳаллам.

Қуёшдан олдин турган келинчақлар таъзимда, Кўчалар саранжом сариштадир бир зумда. Шарқ аёлига гап йўқ бу дунёи азимда, Келинчақлар қўлида топган сайқал маҳаллам, Обод гўшалар аро номи зарҳал маҳаллам.

Бараккага айланган қишларида ёққан қор, Ватанимнинг аёзи ҳам пок дилга гўё баҳор, Ўзга эл баҳоридан ўз қишим афзал минг бор, Қишда ёққан қорда ҳам бахти қулар маҳаллам, Янада оқ йўллардан орзу қилар маҳаллам.

Юртимнинг баҳоридан гўзал баҳор қайда бор, Мағрибдан машриққача бир кўрмоққа интизор, Шоирлар таърифини адо қилиши душвор, Сумалаги тонггача қайнаб чиққан маҳаллам, Ой қизлар сочларига севи таққан маҳаллам.

Баҳор ёзга қўл берар, нозу неъмат ҳар ёнда, Ғаллалар юлдуз санаб, осмон ўпар хирмонда, Ўзгазвор, полиз, узум-баракали замон-да, Ёзи олис элга ҳам неъмат берар маҳаллам, Ўзи тўқ, ўзгадан ҳам аҳвол сўрар маҳаллам.

Деҳқоним қўлтиғида бир жуфт қаймоқли нони, Даласига йўл олар, елкасида кетмони, Ўзин ёруғ айлаган тиллаган оқ хирмони, Олтинга тенг оқ кузи омадга қон маҳаллам, Меҳнатидан топғайдир шараф ва шон маҳаллам.

Қайга кетди, билмадим, маҳалладош кизгина, На шоир ва на ошк бўла олдик бизгина, Афсус, умр қарвонида ёшлик экан озгина, Ҳаётга муҳаббатни ўргатдинг сен, маҳаллам, Ҳаётга муҳаббат-ла улғайдим мен, маҳаллам.

Йиллар ўтди, ҳаётда ҳис-туйғулар аралаш, Ватан ишқи, ёр ишқи, бир ёқда илҳом талаш, Билмадим, ҳар қандай онда керак инсондек яшаш, Одамлилик туйғусин бердинг ўзинг, маҳаллам, Ўзгилкача чорлади ҳар бир сўзинг, маҳаллам.

Вакт келди юксалмоқда, замоним — дорилмон, Юртбошимнинг даъвати — келажаққа зўр имкон. Маҳалладан бошланур Ватаним — Ўзбекистон, Дунё борки, сен борсан, эй барҳаёт маҳаллам, Ўзбекистон баргида мангу обод маҳаллам!

Адхам РАҲМОН,
Олтиариқ тумани.

ФОЙДАЛИ СЕМИНАР

Маълумки, муҳтарам Президентимиз 2003 йили «Обод маҳалла йили» деб бежиз атамадилар. Сабаби обод деганда халқимиз нафақат ҳўркан ва чиройли, шу билан бирга, айнан тинчлик ва оқолишлик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, қўт-баракат ҳукмрон бўлган жойларни тасаввур этади.

Шу сабабли ҳам ҳар қайси инсон, ҳар қайси хонадон ҳаётида, давлат ва жамият бошқарувида, одамларнинг бошини қовуштириш, турар-жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда, ўзини ўзи бошқариш тизимини жорий қилишда маҳалланинг роли, аҳамияти ва моҳияти кундан-кунга ошиб бормоқда.

Шу сабабли ҳам маҳалла оқсоқолларининг роли ҳозир ҳар қанча-гидан ошган. Тошкент Давлат юридик институтинида бўлиб ўтган семинар ҳудди шу мавзуга — «Маҳалла оқсоқоллари ўз-ўзини бошқаришда конституцийий ҳуқуқлардан фойдаланиш ва ҳуқуқий онгни ривожлантириш» мавзусига бағишланди.

Семинарда иштирок этган кўпайиб маҳалла оқсоқоллари ўз ҳудуд-ларида ўзаро муносабатларининг шаклланиши, ободлаштириш, бошқа муаммоларни ҳал этишнинг қонуний меъёрлари тўғрисида батафсил маълумотлар олдилар. Малакали мутахассислар, ҳуқуқшу-нос олимларнинг маърузалари уларнинг ёзу ишларида қўл кели-ши шубҳасиз.

Жамила СОТВОЛДИЕВА,
Тошкент Давлат юридик институтини 3-курс талабаси.

Акциядорлик Тижорат «ПАХТА БАНК»

Серқуёш Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча юртдошларни, акциядорлари ҳамда миждозларини

НАВРЎЗ АЙЁМИ

билан самимий қутлайди!

Наврўз — табиатнинг уйғониш фасли, Умумхалқ байрами, меҳр-мурувват айёми, орзу-умидлар рамзи. Шу билан бирга Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг чексиз саховатини ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради, кўнгилларимизни мунаввар этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади. Наврўз шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.

Ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилаймиз!

«Пахта банк» — фаровонлигингиз калитидир!

Банк Кенгаши ва Бошқаруви.



Босишга топширилди 21.30